



ISLAMONLINE.UZ

Ғазал шарҳи

«Аввалгиларга ўхшамас»

ISLAMONLINE.UZ

Бу – ҳазрат Алишер Навоийнинг тушунилиши анча осон, лугатталаб сўзлари кўп бўлмаган, синтаксиси ҳам соддарок, аммо пафоси жуда баланд ўтлиг газалларидан биридир.

Газал мумтоз лириканинг азалий мавзуси бўлмиш хижрон ва махбуба ситамлари хақида. Аммо ошикнинг дарду аламлари бу гал бўлакча. Шунга кўра, лирик манзумада асосий юк

гавхар янглиг садаф ичидан топилган, сўзлашув услубидан олинганлиги боис кўнгилга жуда-жуда якин “аввалгиларга ўхшамас” радифига тушган.

Кўнглум ичра дарду гам аввалгиларга ўхшамас
Ким, ул ойнинг хажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.

Матлаъ – илк байт кириш характерида. Унда кўнгил ичра пайдо бўлган дарду гамнинг аввалгиларга ўхшамаслиги, бунга ул ой, яъни ёрнинг бу галги кетиши – хажри ўзгачалиги сабаб эканлиги хақида маълумот бериляпти. “Ким” сабаб боғловчисидир. Ёрнинг ойма метафора килиниши ҳам, унга “ул” сифатининг берилиши ҳам хижрон дардининг каттиклигига далолат қиляпти. Негаки, ой жуда баландда – унга етиб бўлмайди. Негаки, “у, ул” кўрсатиш олмоши ҳам сўзловчидан анча узокда бўлган шахс ёки нарсасизлигига нисбатан қўлланади.

Хўш, ошик бошдан кечираётган холу хисларнинг аввалгиларга ўхшамаслиги нимада?

Не ситамким килса, раҳми махфий эрмас зимнида,
Эмди килса хар ситам, аввалгиларга ўхшамас.

Ёр илгарилари ҳам не-не ситамлар килган, аммо уларнинг зимнида – тагида раҳму-шафкат, меҳрга ўхшаш бир туйғу ётган ва ёрнинг бу илтифоти махфий-яширин бўлмай, очик кўриниб турган. Таассуфки, ошик ва маъшук ўртасида нимадир ўнглаб бўлмас узилиш содир бўлгану, энди килинажак ситамлар – асл ситам, уларнинг замирида раҳм-шафкат бўлмайди. Шунинг учун ҳам эндиги жабру жафолар аввалгиларига ўхшамайди.

Демангиз, Ширину Лайли онча бор хусн ичраким,
Хўблукда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Ошик ул санамнинг хуснини Ширину Лайли каби оламари довриги кетган гўзаллар ила киёслашга асло рози бўлолмайди. Негаки, ёрлик килмаган ул ёр хўблук – гўзаллик, хусндорлик, яхшиликда асло аввалгиларга ўхшамайди.

Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларга ўхшамас.

“Аввалгиларга ўхшамас”ликнинг сирру асрори газал марказида турган юкоридаги байтда тўла очилгандай. Ул ой авваллари жавру жафо кўрсатган, аламлар етказган. Ёрнинг касби шу-да, деб ўйлаган ошикни умид тарк этмаган. Даригоки, ул санам энди ўзгани, ракибни танламыш! Бу аламини аввалгиларига ўхшатиб бўладими? Асло, йўк! Бу – ошик учун ўлим ҳукмидай бир гап. Ўлмишамким.. . Вой ўлай! Кутилмаган хабар, зарбадан тугилган хайронлик, чорасизлик, нокомлик ва аламини факат шу ундов сўз тўла ифодалаши мумкин.

Ишк аро Фарход ила Мажнунга ўхшатманг мени
Ким, бу савдойи дижам аввалгиларга ўхшамас.

Ширин ва Лайли хакидаги байтдан кейин гапнинг Фарход ва Мажнун хакида кетиши табиий ва конунийдир. Дижам – эзилган, гангиб колган, сўлгин, хароб, гамгин маъноларига эга. Шоир Фарходу Мажнун каби аввалги ошиқларникига ўхшамаган холини ифода этишда Ширин ва Лайли хакидаги аввалги байтда кўлланган, аввалгига ўхшаган усулни ишлатади – ўқувчига мурожаат қилади: “Мени Фарходга ҳам, Мажнунга ҳам ўхшатманг, негаки, бу савдойи – эсдан оған, гангиб колган кимсанинг холи ул афсонавий ошиқларникига ўхшамайди”, дейди. Негаки, Фарход-Ширин, Лайли-Мажнун жуфтлигида ишқ тарафайн эди. У афсоналарда ошиқ ва маъшук бир-бирларига харчанд интилмасинлар, золим фалакнинг кирдикорлари, золим кимсаларнинг фитнаси, гаюрлиги боис бир-бирларидан жудо бўладилар. “Аввалгиларга ўхшамас” киссасида эса ул ой “ўзга ёр тутмиш”дир. “Аввалгиларга ўхшамас” – бевафолик достони, жавобсиз ноком ишқ хикоятидир.

Кўйининг эҳромидин кўнглумни манъ этманг яна
Ким, анга азми харам аввалгиларга ўхшамас.

Кўй – кўча, йўл; кишлок, махалла. Харам – хос жой, ўз ахли бўлмаган кишилар киритилмайдиган жой. Эҳром – хожилар зиёрат чогида ўраб оладиган ок мато. Ул ой “эмди тутмиш ўзга ёр”... Яъни ракибни танламиш. Аммо ишқда бу муҳим эмас. Кўнгилда ишқ бор. У ўчмайди. Танланиш-танланмаслик билан ишқ бархам топмайди. Асл ишқнинг сифати шу. Мохияти шу. Шунга кўра, лирик қахрамон ёр кўйи сари бормокликни манъ этмасликларини ўтиняпти. Ёрга талпиниш, ишқнинг азму азимати аввалгиларга ўхшамаган холда шиддат олган. Асл ошиқнинг тилаги – васл эмас, ишқдир. Бу байт тасаввуфона оханглари билан газалда ўзига хос ўрин тутди.

Мазкур байт “эҳром”, “харам” каби хос лексикаси билан, “манъ этманг яна” кабилидаги гоят ичкин ўтинч руҳи билан хазрат Алишер Навоийнинг хаж зиёратига оид мунаввар орзусини, ўзи билан тупрокка кетган махобатли армонини ёдга солади... Кейинги байт бу тахминни мустаҳкамлагандай...

Эй Навоий, килма Жамшиду Фаридун васфим,
Шох Гозийга карам аввалгиларга ўхшамас.

Ишқий мавзудаги газал дафъатан шох мадҳи билан тугайди.

Жамшид ва Фаридун – шухрати жахонни тутган қадимий форс подшолари. Бирининг хукмронлиги даври олтин асрга тенглаштирилган, иккинчиси афсонавий аждарни енгган.

Эй Навоий, дейди шоир ўзига мурожаат этиб, Жамшиду Фаридун каби доврқдор шохларни васф этма. Шох Гозий – забардасту хамиша музаффар султон Хусайн Бойкаро киёси йўк, тенги йўк, карамда – олижаноблик, эхсон, марҳаматда аввалгиларга ўхшамайдиган хукмдордир.

Ким билади, газал, эҳтимол, бошдан-охир шаханшохи гозийи замон султон Хусайн Бойкарога багишлангандир? Бири мамлакат подшохи, бири Сўз подшохи бўлмиш нодири замон бу икки инсоннинг ўртасига гаюрлар, хусуматчилар, манфаатпараст кимсалар солган гараз ва нифокдан озорланиб ёзилгандир бу шеър? Лайли ва Ширин каби образлар ҳам бу эҳтимолга монелик қилолмас, эҳтимол? Лайли ҳам, Ширин ҳам –

кўнгилнинг махбуби, кўнгилнинг танлагани, севиқли кимсанинг рамзидир, холос...
“Наводир уш-шабоб” девонига 238-ракам билан киритилган мазкур газал 7 байт, 14 мисрадан иборат. Арузнинг рамали мусаммани махзуф вазнида ёзилган. Афойили: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун. “Аввалгиларга ўхшамас” – радиф. Гам, хам, ситам, санам, алам, дижам, харам, карам – кофиядош сўзлар. Газалда мумтоз кофиянинг равийли мутлак кофия туридан фойдаланилган.

Шархловчи: филология фанлари номзоди Нодира АФОКОВА